

**Фермер хўжаликларида бюджетлаштиришнинг иқтисодий
моҳияти ва уни бошқарув ҳисоби тизимида ривожлантириш йўллари**

Сеилбеков Б.Б. – иқтисод фанлари номзоди

Сапарова Г - магистратура талабаси

Қорақалпоқ давлат университети

Иқтисодиётнинг аграр секторини модернизациялаш шароитида фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва бошқаришнинг янги, янада самарали усуллари мунтазам излаб келмоқда. Фермер хўжаликларида бошқарув ҳисоби тизимини ривожлантириш ва жавобгарлик марказларини аниқлаш ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилаётган бюджетлаштириш технологиясини амалиётда қўллашга имкон беради.

Бюджетлаштириш концепцияси асосида жорий бюджетларни стратегик бюджетлар билан мослаштириш; жорий бюджетларни фермер хўжалигининг турли йўналишлари бўйича мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш; фермерларни оптимал муддатлар ичида ахборот билан таъминлаш тизимини яратиш; молиявий бюджетларни бажариш устидан назорат қилиш тизимини ташкил қилиш йўли билан фермер хўжалигининг муваффақиятли ишлашини таъминлашга интилиш ётади.

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобига оид мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда “бюджетлаштириш” атамаси тилга олинмайди. Бунинг асосий сабаби бюджетлаштириш ғарб мамлакатларида бошқарув ҳисоби доирасида амалга оширилади. Бошқарув ҳисоби эса қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмайди. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” Қонунида, Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва бухгалтерия ҳисобига оид бошқа меъёрий ҳужжатларда бошқарув ҳисоби ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Шунингдек, бюджетлаштириш технологияларини қўллаш масаласи ҳам бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларда ҳозирча эътибордан четда қолмоқда.

Корхоналарда бюджетлаштиришни қўллашнинг аҳамияти ҳозирча фақатгина Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 21-“Харажатлар” бобининг 141-“Харажатларни гуруҳлаш” моддасида акс эттирилган. Бу ерда: “Асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар, ушбу Кодекسدә назарда тутилган ҳолларда эса, қонун ҳужжатларига ва (ёки) солиқ тўловчининг ҳисобга олиш сиёсатига мувофиқ расмийлаштирилган зарарлар ҳам солиқ тўловчининг харажатлари бўлади”, дейилади. Таъкидлаш жоизки, бу ҳужжатда биринчи марта корхона ўзининг амалга оширган харажатларини иқтисодий жиҳатдан асослаши лозимлиги назарда тутилга. Бизнес-режа, режалаштириладиган даромадлар ва харажатлар бюджети мана шундай асос бўлиши мумкин. Шунингдек, аграр сектор иқтисодиётини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам бюджетлаштиришни қўллаш зарурати ҳақидаги масалалар акс эттирилмаган. Қолаверса, бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштириш жараёнини шакллантириш мантиғига таянадиган бўлсак, бу борада меъёрий-услубий таъминотдаги камчиликларни ҳам кўрсатган

маъқул. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.1999 йил №54-сонли Қарори билан “Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланган. Унда қайд этилишича, “Мазкур Низом асосида алоҳида соҳаларнинг харажатлар таркиби ва ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва идоралари, хўжалик бирлашмалари (корпорациялар, концернлар, ассоциациялар, компаниялар ва ҳ.к.) томонидан Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда белгилаб берилади”. Лекин, ҳозиргача кишлоқ хўжалигида маҳсулот (иш, хизмат) таннархини режалаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисоблаб чиқариш бўйича ҳеч бўлмаганда, бир тизимга келтирилган услубий тавсиялар ҳам йўқ. Шунинг учун бугунги кунда кишлоқ хўжалигида маълумотлар олиш, уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, шунингдек, уларга таяниб асосланган бюджетлар тузиш услубиёти шаклланмаган, дейишимизга асос бор.

Фермер хўжаликларининг ер участкаларини оптималлаштириш ва Республика Президенти И.А.Каримовнинг шахсан ташаббуси билан Фермерлар кенгашлари ташкил этилгунга қадар амалиётчилар катта қизиқиш билдиришмагани боис, бюджетлаштиришни жорий қилиш ҳамда фермер хўжаликларида бюджетлаштириш тизимидан фойдаланиш мавзуси иқтисодий адабиётларда кўп ҳам ривожлантирилмади. Лекин иқтисодчи олимлар орасида баъзан бир томондан бюджет бошқаруви тушунчаси, иккинчи томондан, пул оқимларини режалаштириш ва назорат қилиш тушунчаси аралаштириб юборилди. Аслида эса пул оқимларини режалаштириш ва назорат қилиш бюджетлаштириш тизимининг муҳим бир қисми, холос. Шу туфайли “бюджет” ва “бюджетлаштириш” тушунчаларига аниқлик киритиш зарур.

“Бюджет” тушунчаси ўрнига кўпроқ “смета” атамаси қўлланилишига сабаб шундаки, “бюджет” бизнинг тушунчамиздаги “смета”га (харажатлар сметаси, капитал қўйилмалар сметаси) яқин. Бизнинг фикримизча, “бюджет” атамасидан фойдаланган афзалроқ, чунки “смета” атамаси харажатларни ва капитал қўйилмаларни режалаштириш соҳаси билан чекланиб қолади ва “бюджет” атамасининг маъноларини тўла акс эттирмайди.

Шундай қилиб, харажатларга нисбатан “бюджет” тушунчасини ҳам, ўзимизда анъанавий бўлиб келаётган “смета” тушунчасини ҳам қўллаш мумкин. Лекин умумлаштирилган (консолидацияланган) бюджетга нисбатан “бюджет” атамасидан фойдаланган маъқулроқдир.

Шундай қилиб, замонавий бошқарув ҳисоби бюджетлар тизимига таяниши лозим. Бюджетлар тизими раҳбарга бошқарув қарорларининг самарадорлигини аввалдан баҳолаш, ресурсларни бўлинмалар ўртасида оқилона тақсимлаш, корхонанинг ривожланиш йўллариини белгилаш ва инқироз ҳолатларига йўл бермасликка имкон яратади. Бюджет тузиш мазкур муаммоларни ҳал қилишнинг самарали йўли ҳисобланади. Бюджетлаштириш корхона молиявий-иқтисодий фаолиятининг барча жабҳалари: ишлаб

чиқариш, маҳсулот сотиш, ёрдамчи бўлинмаларнинг фаолияти ва пул оқимларини бошқаришни қамраб олади.

Шунингдек, бюджетлаштириш бошқарув ҳисоби усули бўлиш билан бирга тузилмавий бўлинмалар ёки корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланган дастурлар асосида ишлаб чиқилган функционал соҳалар бўйича алоҳида бюджетлар тайёрлаш жараёнидир. Яъни, моҳиятан, у ички молиявий бошқарув тизимидир. Айтиш мумкинки, бюджетлаштиришнинг таҳлилий жараёни барча бошқарув вазифаларига боғлиқ бўлиб, корхона имкониятларини бозор шароитларига мувофиқ ҳолатга келтиришга йўналтирилган асос ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Солиққа оид қонун ҳужжатларидаги янгиликлар. 2012 йил. – Тошкент: «NORMA», 2012. -512 б. («Норма маслаҳатчи» газетаси кутубхонаси, 1-чиқарилиш). 116 б.
2. “Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.1999 йил №54 Қарори билан тасдиқланган